

ИБТИДОЙ УРУҒ-ЖАМОАЛАР ҲАЁТИ ТАРИХИДАН

Инсоният тарихий тараққиётида турмуш учун зарурий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ва сарфлаш жуда қадимги, яъни полеолит давридан бошланган ва бу жараён турли шаклларда кечган. Одамзоднинг дастлабки қуроллари тошдан ясалганлиги ва бу жараён узоқ минг йилликлар давом этган бўлиши билан бирга тош хомашёсидан тежамкорлик билан фойдаланиш йўлга қўйилган. Масалан, палеолит даврининг ўрта, айниқса, сўнгги босқичида ишлаб чиқилган қуролларнинг асоси ёки «қолдиғи» бўлган тош ўзаклардан зарур қуроллар яшаш учун турли парахалар ва учирмалар ажратиб олиниб, тирикчилик учун керакли қуроллар ясалган. Нуклеусларга эътибор бериладиган бўлса, уларнинг аксарият кўпчилигига охиригача ишлов берилган. Ажратиб олинган парахалардан ташқари учириндилардан ҳам турли кесувчи, юнувчи, арраловчи, тешувчи каби қуроллар яшашда фойдаланилган. Бундан кўриниб турибдики, ибтидоий одамлар сифатли тош жинси бўлган чакмоқтошдан тежамкорлик билан фойдаланишни афзал билганлар. Тошдан турли қуроллар ишлаб чиқиш, айниқса, мезолит ва неолит давларида янада такомиллашган. Бу ҳодиса эса ибтидоий иқтисодиётнинг куртакларидан дастлабкиси бўлиб, бу жараён тарихий тараққиёт йўлида узлуксиз ривожланишда бўлиб, кейинчалик деҳқончилик, ҳунарманд ва чорвачилик ҳўжалик шакллариининг ташкил топишига олиб келган. Бу соҳаларнинг, айниқса, ҳунармандчиликнинг ривожланиши турли касб-корларнинг пайдо бўлишига, шу билан бирга оддий айрибошдан савдо ва оқибатда савдо молларининг эквивалент баҳоларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Ибтидоий иқтисодиётнинг кўпгина шакллари, айниқса, неолит давридан эътиборан узлуксиз ривожланиб борди. Бундай тарихий жараённинг ташкил топиши ва ривожланишини Жанубий Туркменистондаги Жойтун маданияти аҳолиси турмушида муайян тарзда аниқ кузатиш мумкин. Жойтунликлар ўтроқ деҳқончиликни билган Ўрта Осиё миқёсидаги дастлабки уруғ-жамоалардан эди. Бундай шаклдаги иқтисодиётни кўпчилик олимлар «палеоиктисодиёт» деб ҳам фанга киритган. Шулардан бири сўнгги палеолит даври уруғ-жамоаларининг иқтисодий турмушини ўрганган олим С.Н.Бибиков эди¹. Археолог В.М.Массоннинг таъбирича, палеоиктисодиёт тушунчаси иқтисодиёт фанининг муҳим бўлими бўлиб, ибтидоий жамиятнинг халқ ҳўжалигини ва унинг ҳўжалик тармоғини ўрганади².

Қадимги иқтисодиёт тарихини ўрганишда илк деҳқончилик иқтисодиёти билан боғлиқ Жойтун жамиятининг турмуш тарзини асос қилиб олиш мумкин. Жойтун уруғ-жамоаси макони 30 та бир хонали уйлардан

¹ С.Н.Бибиков. Хозяйственно – экономический комплекс развитого Триполя (опыт изучения первобытний экономики). СА, 1952, №25. Ўша муаллиф: опаст палеоэкономического моделироания в археологии. Тез. Докл. Велсоюзм.сесс.посв.итога археологии и этнографии иссл. 1966 г.- Кишинев, 1967. –Стр. 12-15.

² В.М.Массон. Поселение Джейтун. -Ленинград, 1971. –Стр. 101.

иборат бўлиб, ҳар бирида жуфт оилалар яшаган³. Ҳар бир оила она-болалари билан ўртача 5-6 кишидан иборат бўлган. Демак, Жойтун қишлоғида яшаган аҳоли хотин бола-чақалари билан бир кунда ўртача 100 кг, бир йилда эса 36,5 тонна ғалла сарфлашган. Бундан ташқари, экиладиган уруғдан ва молларни боқиш учун фойдаланганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шулардан келиб чиқиб, жойтунликларнинг бир йиллик истеъмол талаби 44 тоннани ташкил қилган. Бу даврда Яқин Шарқ деҳқонлари арпа дони экинидан фойдаланган. Агар ҳосилдорлик гектаридан 20-22 центрдан ғалла олинганда, 20 гектар майдондан ўртача 44 тоннадан олинган. Ҳозирги Шимолий Ироқнинг майда хўжаликларида 6 га ерга ишлов бериш учун 250 кишининг меҳнат куни талаб қилинган. Агар шу нормадан келиб чиқиладиган бўлинса, 20 га ер майдонига ишлов бериш учун 830 кишининг меҳнат куни талаб қилинган. Меҳнат куролларининг фарқлари ҳисобга олинганда, бу рақам уч маротаба оширилса, унда 2500 киши меҳнат куни келиб чиқади. Бундай ҳолатда жойтунликлар деҳқончилиги учун ҳар бир оиладан икки ой давомида 2 тадан ишчи иштирок этишган. Бундай ҳолатда деҳқончиликнинг самарадорлиги ошган. Бутун жамоа бу ишга жалб қилинганда жойтунликлар ўртача ҳаёт кечириши учун озуқа маҳсулоти билан таъминланган. Жойтун қишлоғи қазилмаларидан топилган ҳайвон суякларига қараганда, бу ерда яшаган аҳоли озиқ-овқат рационидида гўштли овқат истеъмол қилиши муҳим ўрин тутган. Ҳайвон турларининг суяклари тўла равишда сақланмаганлигини ҳисобга олиб, ўртача ҳисоб-китоб қилиш мумкин. Масалан, С.Н.Бибиқов триполлик деҳқонлар ҳаётини ўрганиб, хулоса билдирадигани, бу ерда яшаган аҳолининг ҳар бири бир ойда 4 кг гўшт истеъмол қилган ёки уларнинг кунлик гўшт рациониди 130 граммдан иборат бўлган. Ўсимликлардан олинган озиқ-овқат ҳисобланилса, бу аҳоли минимум талаблар асосида ҳаёт кечиришганлар⁴. Жойтунликларда бир кишининг кунлик истеъмоли учун 500 гр ғалла, ўртача 150 гр гўшт сарфланиши мумкин бўлган. Бундан келиб чиқадики, қишлоқ аҳолиси учун бир кунлик истеъмол талаби 27 кг гўшт, йиллик талаб эса 9 т атрофида бўлган. Агар ҳамма гўштлик овқат чорвачиликдан олинган бўлса, унда ҳар йили 450 қўй ва эчки гўшти истеъмол қилиниб, бир йиллик сарф 2000 бошни талаб қилган. Жойтунликлар отар чорвачилигига эга бўлганлар. Жойтун чорвачилик сектори иқтисодида 500 бош чорва молига 3 та чўпон хизмат қилган бўлса, бир йил учун 3300 киши меҳнат куни сарфланган. Бироқ ҳамон овчиликнинг хўжалик иқтисодидаги фойдаси ҳисобга олинса, унда бу рақамни 3 марта қисқартириш мумкин. Бу ҳисоб-китобларнинг ўртача ҳаёт кечириш билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олиш лозим. Жойтун маданияти аҳолисининг яшаш жойлари бўлган уй қурилишлари кўриб чиқиладиган бўлса, бу борада ҳам қизиқарли иқтисодий ҳисоб-китоблар маълум бўлади. Бу жамоа қурилишида деярли лойдан ишланган гувала гиштлардан фойдаланганлар. Жойтун жамоаси яшайдиган уйлар 30 тадан иборат бўлган ҳолда, деворларининг баландлиги 2,5 метрни

³ В.М.Массон. Ўша асар, 12 с.

⁴ С.Н.Бибиқов. Хозяйственно-экономический комплекс развитого Триполья... с.12-13.

ташқил қилган, бутун қурилишга эса 720 м³ лой материали сарфланган. Қадимги шумерликлар қурилишда 1,5 м³ деворга 1 кун талаб қилинганлигидан келиб чиқадиган бўлишса, Жойтун қишлоғини қад кўтариши учун 480 киши меҳнат куни талаб қилинган. Агар майдон ишланган гувалаларни ясаш ва заруриятга қараб жойларга ташиб, элтиб бериш ҳисобга олинса, унда бу сарфланган рақамни 3 мартага кўпайтириш мумкин. Масалан, шумерликларда 360 метр масофага лой ғиштларни транспортировка қилиш учун 1 м² материал учун 1 кун сарфланган.

С.А.Семеновнинг дала лабораториясида ўтказган тажрибалари шуни кўрсатдики, тош қуролларни ясаш учун аввалги тасаввурлардан фарқли ўлароқ, унча кўп вақт сарфламаган. Масалан, юмшоқроқ тошдан силлиқланган болтани тайёрлаш учун 2,5-3 соат, нефрит тошидан тайёрланган болта учун 10-15 соат ёки 1,5 ишчи меҳнати сарфланган.⁵ Жойитунликлар эса кўпроқ қайта ишлов берилмаган тош парақалардан қурол сифатида фойдаланганлиги ҳисобга олинса, унда бу жамоаларда қурол ясаш учун катта куч ва кўп вақт сарфланмаганлиги маълум бўлади. Бу каби ҳисоб-китобларнинг айримлари тахминий бўлишига қарамасдан айтиш мумкинки, жойитунликлар минимал меҳнат кучи сарфлаши билан ўртача ҳаёт кечиришганлар, деган хулосага келиш мумкин. Жойитун қишлоғи 30 оиладан иборат бўлиб, ўсмир болаларнинг ҳам ёрдами ҳисобга олинганда 90 меҳнат кунини ташқил қилган ҳолда, унинг бир йиллиги 33000 меҳнат кунидан иборат бўлган. Бу борада аёлларнинг рўзғор бўйича меҳнатини овқат тайёрлаш, тикиш-бичиш ишлари, болалар тарбиялаш каби ишларнинг барчасини ҳисобга олишда ҳозирги замон иқтисодчилари ҳам қийналиши мумкин. Агар биз бир оилага 1 меҳнат куни сарфланишини ҳисобга олсак, бир йилда эса 11000 меҳнат куни бўлади. Шу ҳисоб билан қараладиган бўлинса, деҳқончилик учун 2500, чорвачилик учун 2200, қурилиш учун 1500, меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш учун 1000 меҳнат куни сарфланиши талаб қилинган. Бу борада овчилик ишларига сарфланган меҳнат кунларини ҳисобга олиш сарфланадиган вақтнинг янада ошишига олиб келади.

Демак, неолит даврида содир бўлган бу янги иқтисодий ютуқ ва ўзгаришлар нафақат турмуш тарзини ошириш, шунингдек, кўшимча меҳнатининг самарадорлигини таъминлади. Жойитун жамоаларининг ижтимоий муносабатлари ҳақида сўз юритилинадиган бўлса, бу борада бу ердаги мавжуд қишлоқнинг режалаштириш характери бу даврда ташқил топган жуфт оилалар муҳим ўрин тутган. Жойитун қишлоғи уйларининг кўпчилигини 16 м²дан 30 м² гача майдонни ташқил қилади. Уйларнинг бир комплекс қисмида ёғочни қайта ишлаш ишлари олиб борилган бўлса, бошқа бир қисмида чакмоқтош қурол-аслаҳалари тайёрланган. Бу манзара жамоа орасида касбий хунармандчиликнинг ташқил топа боришидан гувоҳлик берарди. Демак, Жойитунда ҳар бир жуфт оила нафақат ўзининг яшаш хонасига, шунингдек, ўзини ишлаб чиқариш маҳсулоти билан минимум таъминлаш имкониятига эга эди. Ҳар бир уйда олов ўчоғининг мавжудлиги

⁵ В.М.Массон. Поселение Джейтун... -Стр. 103.

оилавий озиқ-овқатга эгалигини кўрсатади. Жуфт оила ҳақидаги мисолларни Қадимги Шарқнинг кўпгина деҳқон қабилаларида ҳам кузатиш мумкин эди. Масалан, Д.Меллартнинг маълумотларига қараганда, Чатал-Гюк қадимги қишлоғидаги уйларнинг майдони 11,25 м²дан то 48 м² гача бўлган. Кўпчилик уйларнинг майдони эса 25-27 м²дан иборат бўлиб, жойитунликларни яқиндан эслатарди. Кўпгина манбаларнинг анализига қараганда, жуфт оиланинг пайдо бўлиши сўнгги палеолит даврига бориб тақалади. Масалан, С.Н.Бибиқовнинг маълумотига қараганда, Шарқий Ов롭анинг сўнгги палеолит даврида 5-7 кишидан иборат бўлган оила бир ишлаб чиқариш гуруҳини ташкил қилган.⁶ Г.П.Григорьев сўнгги палеолит даври уй-жойларини таҳлил қилиб, у ҳам шундай ўхшаш хулосага келади.⁷ Натуфия эталон ёдгорлигида олиб борилган қазилмалар натижасида доира шаклидаги уйлар топилганига қараганда, мезолит даврида ҳам жуфт оилаларнинг мавжудлиги ҳақида маълумотлар берилган. Демак, кўпчилик манбаларнинг таҳлили шу жараёни кўрсатадики, Жойитун қишлоғининг ички структураси қадимги, яъни сўнгги палеолит анъаналари билан яқин боғлиқлигини кўрсатади. Аммо жуфт оилалар ҳали деҳқончилик ерларига эгалик қилмаган ва бундай майдонлар жамоатчилик ихтиёрида бўлган. Бу даврларда ер-мулкка кооператив эгалик қилиш ва меҳнат тақсимоти ҳам шунга биноан амалга оширилган.

Жуфт оиланинг жамоада муҳим ўрин тутиши билан бир вақтда Жойитун қишлоғида ўз даврига хос жамоа бола-чақалар билан биргаликда катта коллектив яшаган. Неолит даврида бундай йирик қишлоқларнинг пайдо бўлиши ўтроқ суғорма деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик хўжалиқларининг такомиллашувида муҳим аҳамият касб этган. Жойитун маданиятига тегишли Чўпонтёпа қишлоғи ундан ҳам йирикроқ бўлган. У ердаги бир-бирига тигис қурилишларга қараганда, бу қишлоқ аҳолиси 600-800 кишидан иборат бўлган. Бироз кичикроқ қишлоқлардан бири Чачили-Депанинг учинчи горизонтдан 9 та уй-жой топилиб, уларда яшаган аҳолининг умумий сони 60-70 кишидан иборат эди. Демак, бу даврга келиб, жуфт оилаларнинг бирлашиши деярли катта коллективни ташкил қилган. Бундай бирлашишнинг дастлабки сабабларидан бири хавфсизликни таъминлашдан иборат эди. Тўғри, Яқин Шарқ қабилаларида бу вақтга келиб, қишлоқлар мудрофаа деворлари билан ўраб олинган эди. Бироқ жойитунликларда бу ҳолат ҳали кўринмайди. Бундан келиб чиқадиган фикр жойитунликларнинг бирлашиши хўжалик юритиш билан боғлиқ бўлган. Дарҳақиқат, суғорма деҳқончилиқни жуфт оилалар эплай олмасди, шунинг учун уларнинг бирлашиб, жамоа бўлиб меҳнат қилиши талаб қилинарди. Жойитунликларнинг бирлашмаларидан гувоҳлик берувчи жамоат уйларининг ташкил бўлганлигидир. Жамоатчилик уйлари умумий йиғилишлар жойи бўлган. Бундай умумий уйлар Жойитун маданиятига тегишли Песседжик-Депе ва Чегиллы-Депеларни қазилмалар давомида кузатилган. Неок-Депе туманида неолит даврига тааллуқли аҳолига тегишли

⁶ С.Н.Бибиқов. Опыт палеоэкологического моделирования в археологии... -Стр. 12-13.

⁷ Г.П.Григорьев. Начала верхнего палеолита и происхождение *Homo sapiens*. -Л., 1968. -Стр. 154-155.

воҳа аниқланган. Бу воҳа бир неча км² майдонни ўз ичига олган бўлиб, у ерда бу даврга тегишли 3 та ёдгорлик – Чўпон-Депе, Песседжик-Депе, Тогалак-Депелардан иборат. Бу ёдгорликларнинг барча илк жойитун фазасининг охири ва ўрта жойитун даврига тўғри келиб, мил.авв. VI минг йилликлар билан саналанади. Бу воҳа Жанубий Туркменистонда ташкил топган илк деҳқончилик билан боғлиқ чоғироқ қабила бирлашмасидан иборат бўлиши мумкин.

Жойитун қишлоғидаги уйларда кузатилган олов ўчоқлари шимолий ва шарқий томонларга қарата жойлашган. Шимолий томонга қарата жойлашган ўчоқлар билан боғлиқ уйларнинг поллари қизил бўёқ, шарқий томонга қарата жойлашган ўчоқли уйларнинг поли қора ранг билан бўялган. Табиийки, бундай бўлинманинг мавжудлиги қишлоқда икки фратирия яшаганлигини кўрсатган ҳолда Жойитун аҳолиси икки экзогам гуруҳдан иборат бўлиб, дуал уруғчилик ташкилотининг намоён бўлишидан гувоҳлик беради.⁸ Жойитун маданиятига тегишли кулолчилик маҳсулоти бўлган сопол идишлар одатда тўғри чизикли ва қавс шаклидаги безаклар билан безатилган. Жойитунликлар жамоаси озиқ-овқат учун ғамланган ғаллани сақлаш учун умумий омбори бўлиб, ундан бутун аҳоли бараварига тенг фойдаланган.

Жойитун қишлоғи ва унга тенгдош ёдгорликлардан олинган маълумотлар тош асрининг охириги босқичида инсоният тарихида янги даврнинг бошланишидан гувоҳлик беради. Бу даврда хўжаликда юз берган ўзгаришлар жамоалар турмуш тарзини, мафкуравий маънавиятини ва ижтимоий тузумни координал равишда ўзгартишга олиб келди. Энг муҳим координал ўзгаришлардан асосийси эндиликда одамзод жамоалари табиатда мавжуд тайёр озиқалардан фойдаланишдан тирикчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўтиб цивилизация сари дадил қадам қўйди. Бу тараққиёт ҳодисасини 30-йилларда инглиз олими Г.Чайлд «неолит инқилоби» атамаси билан фанга киритди.⁹ Бу атама маъносида Г.Чайлд деҳқончиликдан чорвачиликнинг ажралиб чиқиш хўжалик юритишнинг янги тури, яъни ишлаб чиқариш фаолиятига ўтишнинг дастлабки босқичи деган тушунчани олға суради. Бу даврда хўжаликнинг турли кўринишдаги тараққиёти натижасида иқтисодий ҳаётда ҳам ўзгаришлар юз берди. Тўғри, кўпгина олимлар инқилоб атамасини тўлалигича маъқулламасдан эволюцион тараққиёт, яъни галма-гал ривожланишни эслатиб, бу фикрни кўпчилик олимлар маъқуллашади. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши ибтидоий жамоаларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини даврига нисбатан юксалишига олиб келди. Уй ҳунармандчилигининг тобора ривожланиши касбий ҳунармандчиликнинг ташкил топишига ва ишлаб чиқаришнинг тобора тараққиёти деҳқончиликдан ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқишига асос бўлиб, иккинчи йирик меҳнат тақсимотининг ташкил топишига олиб келди. Хуллас, хўжалик иқтисодий тараққиётида юз берган бундай йирик

⁸ И.Н.Хлопин. Геоксюрская группа поселений эпохи энеолита. –М.-Л., 1964. Стр. 68-69, 145-147.

⁹ Г.Чайлд. Прогресс и археология. –М., 1947. –Стр. 15.

Ўзгаришлар аجدодларимизнинг цивилизация сари қўйган дадил қадамларидан эди.

Илк деҳқончилик излари Зарафшон водийсининг ўрта ва юқори оқими ҳавзаларида топилган. Қоратов-Сазағон тоғ тизмаларининг шимолий-шарқий қияларидаги сой ва даралар қайирларида макон топган неолит даври уруғ-жамоалари зироатчиликни билишган кўринади. Уларнинг турмуш иқтисодида донли экинлардан фойдаланилган. Бу жамоаларнинг маконларидан топилган тош ўроқ тиғлари, ёрғучоқлар ва келисоплар каби топилмалар бундан далолат беради.¹⁰

Умуман қаралганда, Зарафшон водийси одамзоднинг илк палеолит давридан бошлаб қўним топган тарихий ҳавзаси бўлиб, бундан аввал 350-200 минг йилларда ҳам одамзод яшаши учун керакли табиий ва иқлим экологик шароитига эга бўлган. Водий турли ресурсларга бой бўлганлиги бу ерда илк цивилизациянинг анча эрта томир отишига муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Палеолит, мезолит, неолит, энеолит ва жез даврига доир археологик ва палеонтологик манбаларнинг сероблиги водийда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт меросий пешма-пеш узлуксиз ривожланишда тараққий этиб, металлургиянинг, унинг базасида суғорма деҳқончиликнинг ривож топиш омиллари водийда илк цивилизациянинг шаклланишига олиб келди. Демак, Зарафшон водийси ҳам цивилизациянинг қадимги ўчоқларидан бири эканлиги тасдиқланмоқда.¹¹

¹⁰ М.Д.Джуракулов, Н.У.Холматов. Неолит и мезолит Среднего Зарафшана. –Ташкент, 1991.

¹¹ Д.М.Джуракулова. Зарафшон водийсининг ибтидоий давр қабилалари моддий маданияти. –Самарқанд, 2011. –Б. 21.